



Ishonch

Gazeta
1991-yil
21-martdan
chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2015-yil 20-yanvar, seshanba, № 10 (3515)

Иқтисодиёти-
мизнинг жадал
ва мутаносиб
ривожланиб
бораётгани
аҳоли ҳаёт дара-
жаси ва сифа-
тини изчил
ошириш учун
мустақкам за-
мин яратмоқда.
**Ислон
КАРИМОВ**



Пойтахтимиздаги Ўзбек либослари галереясида "Hand made in Uzbekistan" деб номланган миллий санъат фестивали бўлиб ўтди. «Art Life Media» масъулияти чекланган жамияти ташаббуси билан ўтказилган мазкур фестивалда бир юз элликдан ортиқ хунарманд иштирок этди.

МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАР КЎРГАЗМАСИ

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, қадимий урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, моҳир хунармандлар яратган услуб ва мактаблар довуғини юксалтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Мунтазам ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танловига «Энг яхши хунарманд» номинациясининг қиритилгани ва турли лойиҳалар, танловлар, кўргазмалар ташкил этилаётгани бунинг яққол исботидир.

Сўнгги йилларда халқ хунармандлигини қайта тиклашга қаратилган мустақкам ҳуқуқий база яратилди. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 30 мартдаги «Халқ бадийи хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони асосида тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилиб, касаначилик ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Хунармандлар фаолиятини рағбатлантириш, уларга турли имтиёзлар берилиши миллий ҳаёт тарзимизнинг ажралмас қисми бўлган халқ амалий санъатини янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Юртимизда «уста-шогирд» анъанаси кенг йўлга қўйилиб, ўқув марказлари ва маҳаллаларда моҳир хунармандлар томонидан ёшларга бадийи хунармандлик, халқ амалий санъати сирлари пухта ўргатилаётгани уларнинг соҳага қизиқишини оширмоқда. Шу боис қўли гул хунармандлар сафи кенгаймоқда.

Қашқадарёлик попоччи Лола Ҳамроева оилавий тадбиркор сифатида фаолият юритаётган ёшлардан. Матога нақш босиш санъати тури ҳисобланган попоччилик мустақиллик туфайли қайта тикланиб, изчил ривожланмоқда. Бугунги кунда нафақат уй-рўзгор ашёлари, ҳатто қўндалик либосларда ушбу услубдан кенг фойдаланилмоқда. Лола анъанавий услубларни давом эттириш баробарида, янги-янги йўналишлар борасида изланаётган. Ўз тенгқурлари ва маҳалла аёлларига бир неча йилдан буён хунар сирларини ўргатиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан халқ амалий санъати турларини ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор, яратилган кенг шарт-шароитлар туфайли фаолиятимиз йилдан-йилга ривожланмоқда, — дейди у. — Юртимизда ўтказилаётган турли танловлар, ижодий фестиваллар фаолиятимизни янада кенгайтириш, тажриба алмашиш, билимларимизни мустақамлашга хизмат қилмоқда.

Мазкур санъат фестивалини ўтказишдан асосий мақсад миллий хунармандлик анъаналарини асраб-авайлаш, уларни давом эттириш, келажак авлодларга етказиш, хунармандларни қўллаб-қувватлаш, фаоли-

ятини ривожлантириш, кадрлар бардавонлигини таъминлашдан иборатдир.

Фестивалда нақшолик, қўндаллик, заргарлик, зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги ва металл буюмлар, миллий матолар, кашта, попоч каби хунармандлик маҳсулотлари намойиши юртдошларимиз ва хорижий меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистонда биринчи бор бўлишимиз, — дейди жанубий корейлик Чой Мин Ҳе. — Қадимий шахарлар, ўзига хос меъморлик анъаналари, ранглар уйғунлиги ва услубига эга тарихий обидалар мени ўзига ром этди. Бугун эса халқ амалий санъати намуналари, хунармандлик буюмларини кўриб ҳайратланмоқдам. Халқингизнинг бой тарихи, юксак маданияти акс этган ноёб кадрларга билан танишганимдан мамнунман.

Икки кун давом этган фестивалда миллий халқ ўйинлари, фольклор жамоаларининг чиқишлари, қўғирчоқсоз усталарнинг ижодий намойишлари ҳамда хунармандлик маҳсулотларининг кўргазма-савдоси ҳам ташкил этилди.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
ЎЗА муҳбири.

Суратларда: фестивалда.

ЎЗА фотомуҳбири
Ёлқин ШАМСИДИНОВ
олган суратлар

Ислохотлар инсон учун! ФАРОВОНЛИК КЎЗГУСИ

Президентимиз Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш аянлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир чиқиши халқимизда, жажон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотади. Уларда билдирилган фикрлар, факт ва рақамлар, ҳулосалар таҳлилу таққосларга асос бўлади. Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисидаги

маърузасида ҳам 2014 йилги ривожланиш суръатлари, мустақиллик йилларида эришилган иқтисодий-иқтисодий тараққиёт кўлами ва аҳамиятини кўрсатувчи кўллаб далиллар келтирилди. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида Жини индекси кўрсаткичи 0,40 дан 0,296 га пасайгани, бу натижа Бир-

лашган Миллатлар Ташкилати таъсирларида бинам 0,35-0,37 миқдорда белги-ланган халқро стандартлар нуктаи назаридан қараганда, аҳолимизнинг иқтисодий фаровонлиги муттасил ўсиб бораётганидан даъволат бериши алоҳида таъкидланди.

●●●▶ 3

Ватан — улуг, бурчим муқаддас

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши масъуллигида жорий йилнинг 6-14 январ кунлари бир гуруҳ маданият, адабиёт ва санъат намояндлари иштирокида Самарқанд вилоятида «Ватан — улуг, бурчим муқаддас» мавзусида кенг қамровли маънавий-маърифий тарғибот ишлари амалга оширилди. Тарғибот гуруҳлари томонидан вилоятдаги барча ҳарбий қисм ва муассасаларда байрам тадбирлари ташкил этилди.

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ УЧРАШУВ

Жумладан, Самарқанд Олий ҳарбий автомобиль муҳандислик билим юрти, Самарқанд ҳарбий госпитали ва қатор ҳарбий қисмларда маданий-маърифий тадбирлар уюштирилди. Архитектура ва қурилиш институтида Самарқанд ва Хоразм вилоятлари ўртасида «Менинг ўғлим Ватан ҳимоячиси» номли видеоконфе-

ренция ўтказилди. Унда вилоят ҳарбий қисмлардаги хоразмлик 30 нафар ҳарбий хизматчи ҳамда Хоразм вилоятидаги хизматни ўтаётган самарқандлик 30 нафар ҳарбий ва 100 нафарга яқин уларнинг ота-оналари, кенг жамоатчилик иштирок этди.

●●●▶ 2

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ БИРИНЧИ МАЖЛИСИНING ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси 2015 йил 22 январ куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати йиғилишига келган Сенат аъзолари 2015 йил 21 январ куни соат 9:00 дан 18:00 гача Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносида рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлисини чақиритиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 81-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси Марказий сайлов комиссияси томонидан чақирилди.

Марказий сайлов комиссияси парламент юқори палатасининг биринчи мажлисини 2015 йил 22 январ куни Тошкент шаҳрида чақиритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

ЎЗА

29 март — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИДА ИШТИРОК ЭТИШГА ИЖОЗАТ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун зарур ҳужжатлар тўпламини Марказий сайлов комиссиясига тақдим этди. Ушбу ҳужжатлар тўплами сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза, Адлия вазирлигининг сиёсий партия рўйхатга олинганлиги кўрсатилган маълумотномаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод тўғрисидаги маълумотлардан иборат.

Тақдим этилган ҳужжатлар асосида тўртта сиёсий партиянинг ваколатли вакиллари рўйхатга олинганлик гувоҳномалари ва белгиланган намунадаги имзо варақаларининг бланкалари берилди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар эгадирлар. Бунда сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан қамада олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин.

Сардор ТОЖИБЕВ,
ЎЗА муҳбири

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили



Нуронийлар нафақат ўз хонадонлари, балки юртининг фазиси, иймон қалъасидир. Бугун турли соҳаларда эришилаётган ютуқларда мўътабар қарияларимизнинг алоҳида хизмати борлигини, улар олдидан умрбод қарздор эканлигини ҳис қилиб, қўлимиздан келганича уларнинг оғирини енгил қилишга, дуосини олишга интилишимиз лозим.

НУРОНИЙЛАР МЕҲР-ЭЪТИБОР ОҒУШИДА

Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек: «Ҳар қандай жамиятнинг ёши улуг одамларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилайди, десак, янглишмаган бўлаемиз. Сўзгагина, ўзбеки-нони қилиб айтганда, кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг том маънода ажралмас қисмига айланган».

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида юртимизда уруш ва меҳнат фахрийлари, бой ҳаётий тажрибага эга инсонларга эъзоз кўрсатиш, кексаларни қадрлаш ибратли анъанага айланган. Биргина ўтган йили уларга давлат бюджети ҳисобидан 11 триллион 618 миллиард сўмдан ортиқ пенсия, 105 мил-

лиард сўмдан зиёд нафақалар тўлангани бунинг амалий тасдиғидир. Хонадонларимиз кўрки бўлган пири бадавлат кексаларимизни ҳар томонлама қадрлаш йўналишида амалга оширилаётган эзгу ишларда касба уюшмаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ўтказилаётган «Касба уюшмалари — фахрийларга» йиллик акцияси, шунингдек, нуронийлар, пенсионерлар ва ногиронларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш бўйича «Ҳар бир инсон меҳр-эътибор оғушида» чора-тадбирлар мажмуи доирасида амалга оширилган ишлар фикримиз исботидир.

●●●▶ 4

Энг чекка қишлоқларга борсангиз ҳам шаҳардагидан қолшимайдиган ҳашаматли ва кўркям иморат-у иншоотларни кўриб кўзинг қувонади.

ЯНГИ УЙДА

Яқинда бизнинг оилада қувончли воқеа юз берди. Намунали лойиҳа асосида қурилган янги ҳовлига кўчиб ўтдик. Уйимиздаги шарт-шароитлар, хоналарнинг шинам ва ёруғлиги барчамизга манзур бўлди. Янги йилни янги уйда кўтганимиздан жуда севиindik. Қулай имкониятлару, барча шароитларга эга бундай ҳовли-жой оиламиз учун катта тўхфа бўлди.

Зумрад ИСМОИЛОВА,
Қўшқўпир тумани

ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Мамлакатимизда тиббийт соҳасини ривожлантириш ва уни замонавий анжомлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бувайда туман тиббийт бирлашмасида янги бино фойдаланишга топширилди. Янги йилнинг дастлабки кунларида бу бинога терапия бўлими тиббийт ходимлари ва беморлари кўчиб ўтди.

Унда беморларга замонавий хизмат кўрсатиш ва ички касалликларга аниқ ташхис қўйиш, даволаш ва лаборатория тегиширувлари учун барча шароитлар муҳайё этилган.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» муҳбири

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ УЧРАШУВ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ушбу жараёнда ота-оналар ўз фарзандларини мониторинг орқали қўриб, суҳбатлашиб, уларга яратилган шарт-шароит, ижтимоий-маънавий таъминот ҳолати билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишди.

Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси, Сержантлар тайёрлаш мактаби, Самарқанд шаҳар ҳарбий йўналишдаги лицейида ҳам маданий-маърифий тадбирлар уюштирилди. Шу билан бирга, Самарқанд шаҳар ҳокимлиги, жамоатчилик вакиллари, ҳарбийлар Амир Темур мақбарасини зиёрат қилиб, Хотира майдонидаги Мотамсаро Она ҳайкали пойига гуллар қўйиб, Ватанимиз тинчлиги, халқимиз осойишталиги йўлида жон фидо қилган юрдошларимизни ёд этдилар.

Тадбир иштирокчилари Марказий ҳарбий округ госпиталида саломатлигини тиклаётган ҳарбийлар ҳолидан ҳам хабар олиб, уларни байрам билан табриклашди.

Шунингдек, Самарқанд шаҳрида "Ватан — улуг, бурчим муқаддас" мавзусида вилоят тадбири ташкил этилди. Унда вилоят ҳокими З.Мирзаев йиғилганларни Ватан ҳимоячилари қўни билан табриклаб, мамлакатимиз Куролли Кучларида амалга оширилаётган ислохотлар ва унинг моҳияти ҳусусида сўз юритди.

15 нафар ўз хизматини намунали олиб бораётган Мудофаа, Ички ишлар, Миллий хавфсизлик, Фавқулодда вазиятлар вазириликлари ходимлари ва хизматчилари вилоят ҳокимлиги номидан диплом ва қimmatбахо совғалар билан тақдирланди.

Тантанали маросим вилоят ва пойтахтдан ташриф буорган санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури билан якунланди.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ — ҲАРБИЙ ҚИСМДА

Шимолий-ғарбий ҳарбий округга қарашли Сержантлар тайёрлаш мактабида «Касаба уюшмалари — ҳарбий қисмда» тадбири ўтказилди.

Уни Шимолий-ғарбий ҳарбий округига қарашли Сержантлар тайёрлаш мактаби бошлиғи биринчи ўринбосари Рустам Гайбуллаев очиб, бугунги кунда давлатимиз томонидан ҳарбийларга яратилаётган шарт-шароитлар тўғрисида тўхтади.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Камолжон Беканов Ватанимизнинг мустақам қалқонлари бўлиши ҳарбийларга байрам тилакларини билдириб, юрт тинчлиги ва осойишталигини кўз қорачиғидек асраётган йигит-қизлар борлиги учун турмушимиз тобора чирой ояётганини таъкидлади.

Тадбир катнашчилари ҳарбий хизматчиларга яратилган шарт-шароитлар билан танишди.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши томонидан ҳарбий қисмга байрам совғаси сифатида компьютер жамланмаси топширилди.

ИФТИХОРГА ЛИММО-ЛИМ

Куролли-Кучлар сафида хизмат қилаётганимга 28 йил тўлди. Фарзандларим ҳам ота изидан боришди. Уғлим Бехзод — захирадаги офицер. Кичик ўғлим Бобур эса Наманган шаҳрида ҳарбий хизматда. Қизим Дилфузахон ҳам ҳарбий қисмда ҳамшира.

17 йилдирки жамоатчилик асосида ҳарбий қисмнинг касаба уюшма қўмитаси раиси бўлиб ишлаётиман. Қўмондонликнинг буйруқларини ўз вақтида бажариш, хизматчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги меҳнатларим инобатла олиниб, «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони билан тақдирланганимда қалбим чексиз фахр ва гурурга тўлди.

2011 йилда «Ўз қасбининг моҳир эгалари» танловининг вилоят босқичида ғолиб бўлдим.

Утган йиллар давомида кўплаб шоғирлар тайёрладим, ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлдим, қадр топдим.

Қўмондонлик, давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши ва ҳарбий қисм касаба уюшма қўмитаси ҳамкорликда турли тадбирлар, учрашувлар уюштирдим. Тўшаётган аризаларни ижобий ҳал этишга интиламан.

Қаранг, муддатли ҳарбий хизматни ўтайдиган ва ўтаганлар учун қанчалик қўлайлик ва имтиёзлар жорий этилган. Йигитлик бурчини шараф билан бажарган ёшлар олий ўқув юрталарига кириш чоғида имтиёзлардан фойдаланишяпти. Ҳарбийлар учун қурилган намунали уй-жойларни айтмайсизми?! Буларнинг барчаси ёшларимизда ҳарбий соҳага қизиқишни ошириш, уларни Ватанга содиқ фарзандлар этиб тарбиялашга қаратилган эзгу сазй-ҳаракатлар самарасидир.

Хайрулла ОЧИЛОВ, Қарши шаҳридаги ҳарбий қисм хизматчиси, касаба уюшма қўмитаси раиси

АСКАРЛАР ҲУЗУРИДА

Бухоро вилоятидаги Н-ҳарбий қисмда вилоят ҳокимлиги ҳамда касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамкорликда «Касаба уюшмалари — ҳарбий қисмда» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказди. Унда ҳарбий қисмга касаба уюшмалари томонидан ажратилган замонавий кондиционер топширилди.

«Ватан ўз ватанпарварларини хотирлайди» акцияси доирасида хизмат чоғида ҳалок бўлган 2 нафар ҳарбий хизматчининг оила аъзоларига 200 минг сўмдан манзилли ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда вилоят мудофаа ишлари бошқармаси ҳамда ҳудудда жойлашган ҳарбий қисмларда фаолият юритаётган 21 нафар фидойи касаба уюшма аъзосига совғалар тақдим этилди.

Бирлашма кенгаши томонидан ҳарбий соҳада узок йиллар ишлаган 10 нафар фахрийга байрам совғалари берилди.

Розия НУСРАТОВА, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудири

ПОСБОНЛАР ШАРАФЛАНДИ

Ширин шаҳридаги «Нурчилар» ресторанида Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ўтказилган байрам тадбирининг ҳудудда жойлашган 5 та ҳарбий қисм офицерлари ва уларнинг турмуш ўртоқлари, алоҳида намуна кўрсатган аскарлар тақлиф этилди.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фондининг пойтахтимиздаги тиббий-ижтимоий марказида Ewha университети (Корея Республикаси) госпиталининг малакали шифокорлари аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказмоқда.



ТИББИЁТДАГИ САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Мунтазам ўтказилаётган тиббий кўриқлар, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган соғломлаштириш лойиҳалари мамлакатимизда оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама соғлом авлод туғилиши ва вояга етиши учун хизмат қилаётди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишлар қўламини кенгайтиришда муҳим дастуруламал бўлаётди.

Узбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ҳамкорлигида амалга оширилаётган мазкур хайрия тадбири доирасида педиатр, офталмолог, гематолог, кардиолог, терапевт, стоматолог, фармацевт каби мутахассислардан иборат Корея Республикаси делегацияси аъзолари мамлакатимиз шифокорлари билан ҳамкорликда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни режалаштирган.

Ўқув-семинар

Қарши шаҳрида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси фаоллари ҳамда бошланғич ташкилот етакчилари учун ўқув ташкил қилинди.

ТАЛАБГА МОС

Унда ўтган йилда ходимларга зарур меҳнат шариоити яратиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларининг олдини олиш бўйича жамоа шартномаларида кўрсатилган тадбирлар ижроси мутасил таъминланаётганини қайд этилди. Соҳа мутахассислари фаолиятга доир барча масалалар бўйича ўз тавсияларини берди.

Шунингдек, касаба уюшма ташкилотлари тизимида жорий йилда бўлиб ўтадиган ҳисобот-сайловларни ташкил этиш бўйича ҳам вазибалар белгилаб олинди.

Ўз мухбиримиз

Бошланғичда нима гап?

ҲАММАСИ ШАРОИТГА БОҒЛИК

Кўп нарса ишчи-ҳодимларга яратилган меҳнат ва дам олиш шароитига боғлиқ бўлиб, «Кўқон-2 пахта тозалаш корхонаси» акционерлик жамиятида ишлар кўнгилдагидек ташкил этилгани учун ҳам юқори унумдорликка эришилаётди.

518 нафар касаба уюшма аъзоси ишлаётган корхонада меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси қондаларига оғишмай амал қилинмоқда. Ходимлар махсус кийим-бош, икки маҳал иссиқ овқат билан таъминланган.

Яхши дам — меҳнатга ҳамдам, дейдилар. Корхона ишчилари ва пахта тайёрлов ўрин-жойи ходимлари ёз мавсумида бепул автотранспорт билан таъминланиб, «Сариқўрғон» дам олиш масканида мароқли ҳордиқ чиқарганларини ҳали-ҳануз эслаб туришад.

Утган йилга назар соладиган бўлсақ, ктаба уюшма қўмитаси томонидан меҳнатқаш-

лар саломатлигини тиклаш учун ажратилган йўлланмалар сони оширилганлигига гувоҳ бўламиз. 31 нафар ходим санаторийларда, 21 нафари дам олиш уйларида ҳордиқ чиқарди. 87 нафарнинг фарзанди оромгоҳларда дам олдирилди.

Корхонада аёллар меҳнатини муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилган бўлиб, улар оғир ва зарарли ишларга жалб этилмайди. Аёллар хоналари ва ёрдамчи ишчи хоналари саранжом-сариниша.

Касб маҳорати учун разрядлар бўйича қўшимча иш ҳақи тўлаб берилмоқда. 2014 йилда меҳнат шариоитини яхшилаш учун ҳар бир ходимга 126 минг сўмга яқин маблағ сарфланди. Зарарли ишларда меҳнат қилаётганлар учун қўшимча таътил бериш йўлга қўйилган. Улар бепул сут билан таъминланган. Меҳнат қонунлари ҳамда жамоа шартномасига асосан ишчи-хизматчилар даврий тиббий кўриқдан ўтказиб турилади. Улар учун завод цехлари ва пахта тайёрлов

ўрин-жойларида махсус тиббиёт бурчаклари ташкил этилган.

Ижтимоий ҳимоя масалаларига катта аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, ўтган йили бола тарбияси билан банд бўлган оналарга, 15 нафар ходимга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври учун нафақа пуллари тўлатди. Касал бўлганларга соғлиқларини тиклаши учун моддий ёрдам ажратилди. Турли байрамлар муносабати билан ходимларга озиқ-овқат махсусулотлари, совғалар улашилди, моддий ёрдам кўрсатилди. Завод ва пахта тайёрлов масканларида спорт майдончалари ташкил қилиниб, ишчи-ҳодимларга тушлик пайтида волейбол, шаҳка, шахмат ва стол тенниси билан шуғулланишлари учун шарт-шароит яратиб берилгани ўз самарасини бераётди.

Кўқон шаҳри микёсида уюштирилган спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирок этилгани ҳам бежиз эмас.

Хуллас, яратилган муносиб меҳнат шариоити, ижтимоий ҳимоянинг яхши йўлга қўйилгани туфайли самарадорлик ортиб, корхона ҳар йилги режаларни ортиги билан бажармоқда.

Абдулқадир ИОНУСОВ, «Ishonch» мухбири

Аъзолик афзаллиги

Аниқланган муаммоларнинг жойида бартараф этилиши аъзолик афзаллиги бўйича энг яхши тарғиботдир.

ОБОДЛИК КҮНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

Шундай амалий ёрдамлардан бири яқинда Навбахор туманидаги ободонлаштириш бошқармасида амалга оширилди. Эътиборли томони, 167 нафарлик жамоани бирлаштирган бошланғич касаба уюшма ташкилоти томонидан маъмурият билан ҳамкорликда меҳнатқашлар учун қатор қўлайлик яратиб берилаётди.

Жумладан, ходимлар пойабзал ва махсус кийим-кечаклар билан таъминланиб, меҳнат муҳофазасига эътибор кучайтирилди. Янги йил арафасида меҳнатқашлар учун дам олиш хоналари ҳамда шиман, барча қўлайликка эга ёруғ ошона туҳфа этилди.

Ишчиларнинг меҳнатига яраша ҳақ олиши, хавфсиз меҳнат шариоити яратилганлиги, саломатликларининг муҳофаза қилиниши, дам олиш ва бошқа ҳуқуқларини таъминлаш ишлари намунали йўлга қўйилганлиги бугун ўз самарасини бермоқда.

М.ШАМСИДДИНОВА, Навой вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси етакчи мутахассиси

Меҳнат муҳофазаси

Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими томонидан ўтган йили камчиликларни бартараф этиш бўйича иш берувчиларга 42 та тақдирнома киритилди. Меҳнат жараёнида касб касаллигига чалинган, соғлиғига жиддий ҳароҳат етган ходимларга тўланадиган тоvon пулининг миқдорини ҳисоблаш, индексация қилиш, тиббий меҳнат эксперт комиссияларига ҳужжат тайёрлаш ҳамда меҳнат муҳофазаси йўриқномалари бўйича тушунтириш бериши сўраб мурожаат қилган фуқароларнинг 42 та оғзаки ва 8 та ёзма аризаси қаноатлантирилди.

Жумладан, Хонқа туман Тош масжид кўчаси 27-ўйда яшовчи фуқаро А.Қурбановнинг иш жараёнида олган жароҳати оқибатида соғлиғига шикаст етганлиги билан боғлиқ зарар тўловларидан қарздорлиқни ундириб олиш ҳақидаги аризаси ўрганиб чиқилди. Натияжада, фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро суди орқали А.Қурбанов фойдасига «Хонқа 43-Автоторхона» МЧЖ ҳисобидан 6 млн. 200 минг сўм ундирилишига эришилди.

Шунингдек, 33-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Умида Қутлимуратованинг оғзаки мурожаати бўйича тоvon пуллари тўланиши ўрганиб чиқилди. Урганч шаҳар молия бўлими аралашуви билан 33-МТМга У. Қутлимуратовга 8 млн. 510 минг 621 сўм етказилган зарар пули тўлаш бўйича хат тақдим қилинди ва ушбу талаб бажарилишига эришилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Кези келганда, ишлаб чиқариш корхоналарида ходимлар ва атроф-муҳитга таъсир этувчи зарарли омиллар-

МУҲИМИ — ҲАМЖИХАТЛИК

ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш» мавзусида минтақавий семинар ўтказилди. Барча туман, шаҳар кенгашларига қарашли корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати мутахассислари вазифасини бажарувчилар ва меҳнат муҳофазаси вакиллари учун тасдиқланган жадвал асосида ўқув-семинарлари ташкил этилди.

Муҳими, йил давомида қатор корхона, ташкилот ва муассасалардаги касаба уюшма қўмитаси раислари ва меҳнат муҳофазаси муҳандисларига соғлом ва зарарсиз иш шариоитини яратиш бўйича маъмурий ва жамоа назоратини олиб боришда амалий ёрдам кўрсатилди ва бу ўз натижасини беради.

Марат ИШМЕТОВ, Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири

НУРОНИЙЛАР МЕХР-ЭЪТИБОР ОҒУШИДА

«АБУ АЛИ ИБН СИНО санаторийси» МЧЖ — Самарқанднинг Нуробод туманида жойлашган.

Санаторийда ҳаракат-таянч, юрак-қон томир, асаб тизими касалликлари билан хасталанган дам олувчилар соғломлаштирилади.

Манзил: 104244, Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, Нурбулок кўрғони.
Телефон: (+99895) 509-40-68; 509-40-55;
Факс: 0-366-633-34-63;
E-mail: sihatgoh_ibnsino@mail.ru



«БОТАНИКА санаторийси» МЧЖ — иқлимли ва бальнеологик курорт, Тошкент шаҳридан 30 км. масофада, денгиз сатҳидан 570 м. баландликда жойлашган.

Санаторий юрак-қон томирлари, асаб тизими, ошқозон-ичак йўллари касалликларини даволашга ихтисослашган.

Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани Ок-қовоқ ҚФЙ.
Телефон: (0-371) Ёки (98) 300-86-46; 361-36-77.
Факс: (0-371) Ёки (98) 300-86-46
E-mail: sihatgoh_botanika@mail.ru

«БЎСТОН санаторийси» МЧЖ — Тошкент шаҳридан 30 км. масофада денгиз сатҳидан 450 метр баландликда, «Зах» каналнинг бўйида жойлашган.

Тоза ҳаво, термал сульфат-кальций, ишқорли натрий, азотга бой минерал суви ванналар ва шифобах балнелар асаб тизими, юрак-қон томир, гинекология, урология, ҳаракат-таянч касалликлари билан келган дам олувчилар учун самаралидир.

Манзил: 102100, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Байтўғрон ҚФЙ.
Телефон: Ҳўрағон (0370) 715-49-90; (0370) 717-07-69; факс (0370) 715-43-11
Сайт: www.buston.uz
E-mail: sihatgoh_buston@mail.ru (buston.uz)

«ЗОМИН санаторийси» МЧЖ — Жиззаб вилоятидаги иқлимий курорт, Туркистон тоғ тизмасининг шимолий этақларида, денгиз сатҳидан 2000 метр баландликда, қуриқхона ҳудудида жойлашган.

Санаторийда бронхитал астма, нафас олиш аъзолари ва асаб тизими (функционал) касалликлари билан келган дам олувчилар соғломлаштирилади.

Манзил: 130800, Жиззаб вилояти, Зомин тумани.
Телефон: (+99895) 504-71-35; (+99895) 503-71-35;
E-mail: sihatgoh_zomin@mail.ru

«ҚАШҚАДАРЭ СОҲИЛИ санаторийси» МЧЖ — денгиз сатҳидан 600 метр баландликда жойлашган, иқлимий-бальнеологик сихатгоҳдир.

Санаторий сурункали буйрак, юрак-қон томир, оғдат ҳам қилиш аъзолари, асаб ва ҳаракат-таянч тизими ҳамда гинекологик касалликлар билан хасталанган беморларни соғломлаштиришга мўлжалланган.

Манзил: 100104, Қарши шаҳри, Равоқ кўчаси 12-уй.
Телефон: (0-375) 226-17-26; (+99895) 505-94-98
Факс: (0-375) 226-12-91
E-mail: sihatgoh-sohili@mail.ru

«КОСОНСОЙ санаторийси» МЧЖ — Наманган вилояти Чотқол тоғ тизмалари этагида, Косонсой дарёси бўйида жойлашган, иқлимий ва бальнеологик санаторийдир.

Санаторий ҳаракат-таянч тизими, ошқозон-ичак, асаб, юрак-қон томир аъзолари ҳамда гинекологик касалликлар билан хасталанган дам олувчиларни соғломлаштиришга ихтисослашган.

Манзил: Наманган вилояти, Косонсой шаҳри, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 21-уй
Телефонлар: (0-369) 65-21-192, 65-21-197, 65-21-198, 65-21-229
Факс: (0-369) 65-21-192
E-mail: sihatgoh_kosonsoy@mail.ru

«УМИД ГУЛШАНИ санаторийси» МЧЖ — Чимён тоғлари этақларида, пойтахтимиздан 18 км. масофада жойлашган.

Санаторий гинекология, урология, эндокринология ва асаб касалликлари билан хасталанган дам олувчиларни соғломлаштириш, бешушлик сабабларини ташвишсизга ихтисослашган.

Манзил: 111200, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Алишер Навоий кўчаси 1-уй.
Телефон: (0-37095) 61-955 (Кибрай); 289-20-92;
Факс: (0-370-95) 61-955;
E-mail: sihatgoh_umid@mail.ru

«ЧОРТОҚ санаторийси» ОАЖ — Наманган шаҳридан 25 км. масофада, Чортоқсой дарёси ёқасида, Чотқол тоғ адирларида, денгиз сатҳидан 650 м. баландликда жойлашган бальнеологик ва иқлимий курортдир.

Юрак-қон томир, оғдат ҳам қилиш ва ҳаракат-таянч аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари билан келган беморлар учун ихтисослашган.

Манзил: 161004, Наманган вилояти, Чортоқ тумани, А.Сайдалиев кўчаси, 5-уй,
Телефон: (0-36941) 26-444, 26-602 (Чортоқ)
Факс: (0-36941) 26-617.
E-mail: sihatgoh_chortoq@mail.ru

«ЧИНОБОД санаторийси» ОАЖ — Тошкент шаҳридаги бальнеологик балчиқли курорт бўлиб, дарё сатҳидан 450 метр баландликда жойлашган.

Санаторий — оғдат ҳам қилиш аъзолари, эндокрин ва гинекологик касалликлар билан хасталанганларни соғломлаштиришга ихтисослашган.

Манзил: 100039, Тошкент шаҳри, Чинобод кўчаси, 88-уй
Телефон: (0-371) 212-20-12; 212-38-91; 212-42-39 (Тошкент);
Факс: 212-22-76;
E-mail: sihatgoh_chinobod@mail.ru

«ЧИМЁН санаторийси» МЧЖ Фарғона шаҳридан 32 км. масофада, Катран-Тау тоғ тизмаси ён бағрида, денгиз сатҳидан 450 м. баландликда, Олтинсой дарёси водийида жойлашган бальнеологик курорт.

Санаторийда асаб тизими, юрак-қон томир, ҳаракат-таянч тизими ҳамда гинекология, урология касалликлари билан хасталанган дам олувчилар ўз соғлиқларини тиклайдилар.

Манзил: 113600, Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Чимён қишлоғи,
Телефон: (0-373) 352-35-61;
E-mail: sihatgoh_chimyon@mail.ru

OB-XABO 20-21 январ	Respublika Gidrometeorologiya markazining xabar berishicha, 20-21 yanvar kunlari mamlatimizda havo uzgarib turadi, kor va emgir ega. Sharhdan sekundiga 5-10 metr tezlikda shamol esadi.	● Тошкент +3...+5, +8...+10 0...+2, -4...-2	● Нукус -2...+3, -2...+3 -8...-3, -8...-3	● Урганч -2...+3, -2...+3 -8...-3, -8...-3	● Бухоро +1...+6, +2...+7 -5...0, -5...0	● Навоий +1...+6, +2...+7 -5...0, -5...0	● Қарши +3...+8, +5...+10 0...+5, 0...+5	● Термиз +3...+8, +5...+10 0...+5, 0...+5	● Самарқанд +3...+8, -3...+2 -5...0, -5...0	● Жиззах +3...+8, -3...+2 -5...0, -5...0	● Гулистон +3...+8, -3...+2 -5...0, -5...0	● Фарғона +2...+7, +2...+7 -5...0, -5...0	● Наманган +2...+7, +2...+7 -5...0, -5...0	● Андижон +2...+7, +2...+7 -5...0, -5...0
---------------------------	--	---	---	--	--	--	--	---	---	--	--	---	--	---

<p>Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev</p> <p>Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmadov, Baxtiyor Mahmudaliyev, Oksana Belausova, Eson Rajabov.</p>	<p>2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yatga olingan. ISSN 2010-5002</p> <p>Gazeta o'set usulida, A-2 formatda bosildi. Hajmi 2 borma taqob.</p>	<p>Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.</p> <p>Hududlardagi muxbirlar: Andijon +998 91 475-23-60; Buxoro +99893 653 50 81; Sirdaryo +998 90 999 58 30; Jizzax +998 94 418-67-49; Navoiy +998 94 228-13-00; Namangan +998 90 260-50-77; Samarqand +998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo +998 95 502-68-99; Farg'ona +998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi +998 91 268-92-32; Xorazm +998 90 719-48-00.</p>	<p>Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. Nashr ko'rsatkichi: 133 Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin chiqada.</p>	<p>Navbatchi muharrir: A.Abdullayev Navbatchi: J.Ergashev Musahhih: S.Shodiyeva Boshlagha topshirish vaqti — 21:10 Topshirildi — 22:40 E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz</p>	<p>Gazeta «Ishonch»ning kompyuter makzida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abduljalilov. «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi. Korxonaning manzili: «Biyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.</p>
---	--	--	---	---	--